
Олтиариқ туман ҳокимининг тиббиёт ходимларига байрам табриги
Қадрли тиббиёт ходимлари, азиз шифокорлар!

Сизларни бугунги шодиёна-Ўзбекистон тиббиёт ходимлари куни байрами билан Олтиариқ туман ҳокимлиги ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгаши номидан қизғин табриклайман.

Сиз эл-юрт саломатлигини муҳофаза қилишдек шарафли касб эгаси сифатида ҳамиша қадрланасиз. Чунки, тинчлик ва соғлиқ - бу ҳар бир инсон, бутун аҳолимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган буюк неъматдир. Фақат соғлом инсон ва соғлом халқ мислсиз ишларга қодирлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Айнан шу жиҳатдан ҳам ҳамиша жамиятимизнинг етакчи кучи сифатида намоён бўласизлар.

Тумандаги барча тиббиёт ходимларини, хамшира ва шифокорларни ҳамда соҳа фахрийларини бугунги байрам билан яна бир бор муборакбод этаман.

Сизга ва оилангизга тинчлик-осойишталик, захматли ишинларингизда муваффақият ҳамда тани-сиҳатлик тилайман.

Олтиариқ туман ҳокими Ш.Турдалиев

2022-11-12 16:43:47